

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ



Ф А Л С А Ф А  
Ф А Н Д А С Т У Р И

Барча таълим йўналишлари учун

Тошкент 2021

Фан/модуль коди FALB204	Ўқув йили 2022-2023	Семестр 3-4	ECTS - Кредитлар 4	
Фан/модуль тури Мажбурий	Таълим тили Ўзбек		Ҳафтадаги дарс соатлари 4	
1	Фаннинг номи	Аудитория машгулотлари (соат)	Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)
	Фалсафа	60	60	120
2	<p align="center"><b>I. Фаннинг мазмуни</b></p> <p>Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларнинг олий таълим тизимида эгаллаган дунёвий, фалсафий ва диний билимлардан ижтимоий ҳаётда мақсадли фойдаланиш малакалари ва тўғри фикрлаш маҳоратини ўргатишдан иборат;</p> <p>Фаннинг вазифалари – фалсафий, илмий ва диний билимларнинг тафаккур услубининг ўзгаришига таъсири; табиий илмий билимларнинг ижтимоий аҳамияти; техника ва технологияларнинг инсон прагматик эҳтиёжларига жавоб сифатидаги эволюцияси; миллий кадрлар, маданият ва оммавий маданиятнинг ўзаро алоқаси ва фарқини; дунёни билиш, ҳақиқатни англашда амалиёт ва фаолият уйғунлигини таъминлашнинг аҳамияти, тўғри фикрнинг ижобий мақсадларга йўналтиришдаги ўрни; диний маданий анъаналарда оила ва фарзанд тарбиясига оид гоъларнинг аҳамияти; диний билимларнинг фанатизм (мутаассиблик), диндорлик, шаманизм, терроризмдан фарқи; диний эътиқоднинг йўналишлари; глобал жараёнлар ва барқарор тараққиёт омилларининг ўзаро мутаносиблиги; таълим фалсафаси ва фалсафа таълимининг дунёқарашни шакллантиришдаги ўрни; глобал коррупциянинг сабаблари ва шакллари билиш ва уларга қарши курашиш; дунёвий билим ва малакаларни янгиланаётган Ўзбекистондаги ислохотлар жараёнида тўлиқ намоён қилиш, ижтимоий масъулиятни ҳис қилишни ўргатишдан иборат.</p> <p><b>II. Асосий назарий қисм (маъруза машгулотлари)</b></p> <p><b>II.1. Фан таркибига қуйидаги мавзулар қиради:</b></p> <p align="center"><b>I-МОДУЛ. ФАЛСАФА</b></p> <p><b>1-мавзу. Фалсафанинг фан ва дунёқарашга доир моҳияти</b></p> <p>Фалсафа дунёни англаш усули. Фалсафанинг предмети, тузилиши, функциялари, янги соҳалари ва ўзгарувчан характери. Фалсафанинг жамиятдаги роли ёки амалий фалсафа. Фалсафанинг дунёқарашга доир ижодий роли. Дунёқараш шакллари. Фаннинг дунёқарашга доир моҳияти, фан тараққиётининг асосий босқичлари. Фалсафа ва фаннинг мутаносиблиги, фарқи.</p>			

## **2-мавзу. Борлик ва ривожланиш фалсафаси**

Фалсафа ва табиий фанларда борлик тушунчасининг мохияти, борлик ва йўқлик диалектикаси. Борлик шаклларининг таснифи. Фалсафа ва физикада субстанция, субстрат ва материянинг ўзаро алоқаси. Инъикос назарияси ва унинг шакллари. Ҳаракат тушунчасининг тавсифи, типлари ва шакллари. Фалсафада макон ва вақт диалектикаси. Табиатнинг онтологик мақоми. Биосфера ва Ноосфера ҳақидаги таълимотлар. Табиатга оид коэволюцион ва инвайронментал назариялар. Фалсафада шаклланиш, ўзгариш, ривожланиш ва тараққиёт тушунчаларининг мохияти. Ривожланишнинг умумий қонунлари ва категориялари.

## **3-мавзу. Билиш назарияси**

Билишнинг мазмуни ва мохияти. Билимнинг асосий турлари ва шакллари. Фалсафа тарихида билишга оид қарашлар эволюцияси. Билишда субъект ва объектнинг ўзаро алоқаси. Ҳиссий, эмпирик, назарий, мантиқий ва интуитив билиш даражаларининг ўзаро алоқаси ва фарқи. Ҳақиқатнинг асосий шакллари ва концепциялари. Ҳақиқат, амалиёт ва фаолиятнинг мутаносиблиги. Ҳақиқатга эришишда тушуниш ва тушунтириш диалектикаси. Билиш методологияси. Методларнинг таснифи. Ҳозирги замон методологияси. Тизим, тизимли ёндашув, тизимли таҳлил тушунчаларининг ўзаро алоқаси ва фарқи. Тизим динамикаси.

## **4-мавзу. Мантик**

Тафаккур мантиқий фикрлаш асоси. Тушунча, ҳукм ва хулосанинг фикр теранлигини таъминлашдаги роли. Диалектик мантик. Формал мантик. Математик мантик. Тафаккур ва тил мутаносиблиги. Танқидий тафаккурнинг мантиқий хулоса чиқаришдаги ўрни. Силлогизм назарияси. Исботлаш ва рад қилишда далилларнинг ўрни. Аргументлаш (далиллаш)нинг мантиқий хулоса чиқаришдаги аҳамияти. Модал мантик қоидалари. Мантик ва риторика. Мантиқий семантика. Фикр ва ҳаракат мантиги.

## **5-мавзу. Жамият ва инсон фалсафаси**

Жамият тушунчасининг мохияти ва ривожланиш босқичлари. Тарихнинг мазмуни, йўналишлари ва концепциялари. Цивилизация тушунчаси ва унинг типлари. Маданият ва цивилизация мутаносиблиги. Дунё халқлари маданиятидаги умумийлик ва фарқлар. Оммавий маданиятнинг шаклланиш тарихи ва ҳозирги даврдаги шакллари. Жамият ривожиди тил. Онг, ва тафаккур имкониятлари. Онгнинг табиати, структураси ва функциялари. Онглилик ва онгсизлик диалектикаси. Клипли тафаккур ва технологик тараққиёт. Фалсафий антропология ва элитологиянинг уйғунлиги. Ҳаётнинг маъноси ва унда инсоннинг вазифаси. Евгеника ва биоэтика. Ҳаётни тарқ этиш босқичлари. Суицид, парасуицид, эвтаназия ва унинг шакллари, эсхатологиянинг мохияти.

### **6-мавзу. Ахлоқ ва кадриятлар фалсафаси (Этика)**

Этиканинг моҳияти ва аҳамияти. Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари ахлоқий қарашлари диалектикаси. Ахлоқнинг функциялари. Ахлоқий кадриятлар иерархияси. Евгеника ва биоэтиканинг ахлоқий жиҳатлари. Муҳаббат, нафрат, бахт, ва бахтсизлик тушунчаларининг ахлоқий ва кадриятли жиҳатлари. Ажралиш ва унинг ахлоқий камолотга салбий таъсири. Жамиятнинг девальвацияси (кадрланиш ва кадрсизланиш). Соғлиқнинг кадрият сифатидаги аҳамияти. Соғлом турмуш тарзи саломатлик омили.

### **7-мавзу. Эстетика назарияси**

Дунёни эстетик идрок этишнинг моҳияти Фалсафа тарихида эстетик қарашлар эволюцияси: XX-XXI асрда эстетиканинг асосий йўналишлари ва категориялари. Эстетик дид ва оламни эстетик идрок этишнинг шахс камолотига таъсири. Эстетиканинг замонавий ёндашувлари. Эстетика ва дизайн. Рекламанинг эстетик дидни тарбиялашдаги роли. Халқ амалий санъатининг эстетик жиҳатлари. Оламни виртуал ва визуал эстетик идрок этишнинг фарқлари. Бадий асарни идрок этишнинг даражалари. Санъатдаги инкироз (дегуманизация). Тушқинлик санъати ва ундан чиқиш маҳорати.

### **8-мавзу. Глобал жараёнлар ва барқарор тараққиёт**

Глобаллашув, глобалистика ва барқарор тараққиёт тушунчаларининг моҳияти. Барқарор тараққиётни таъминлашда глобаллашувнинг ижобий ва салбий йўналишлари. Глобал жараёнларнинг таснифи. Миграция ва урбанизация барқарорлик ва беқарорлик омили. Глобал жиноятчилик ва унинг олдини олишда халқаро ҳамкорликнинг зарурати. Спортнинг глобал сиёсий характери. Пандемия - XXI асрнинг глобал муаммоси. Глобал маконда ахборот технологиялари, сунъий интеллект ва виртуал реалликнинг мутаносиблиги. Замонавий техниканинг инсонларварлашуви. Глобал тарбия ва таълим барқарорлик омили. Дунё ва Ўзбекистонда таълим ва тарбия амалиёти.

## **2- МОДУЛЬ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ.**

### **9-мавзу. Глобал коррупция ижтимоий маданий инкироз оқибати**

Коррупция тушунчасининг маъноси ва унинг тарихий илдиэлари. Дунё бўйича коррупция ҳолатининг таснифи. Коррупциянинг шакллари ва сабаблари. Коррупциянинг ижтимоий ҳаётдаги қўринишлари. Сиёсий ва ғоявий коррупция хавфсизликка таҳдид. Иқтисодий коррупция ва унинг намоён бўлиш шакллари. Кадрлар коррупцияси ва уни бартараф этиш механизмлари. Таълим ва фан тизимидаги коррупциянинг оқибатлари. Хуқуқ тартибот органлари ва жамоат ташкилотларидаги коррупция. Халқаро коррупция иқтисодий-сиёсий манфаатлар тўқнашуви оқибати сифатида. Фирибгарлик коррупция шакли. Ижтимоий ҳаётдаги коррупциянинг амал қилиш соҳалари.

### **10-мавзу. Коррупцияга қарши кураш механизмлари**

Дунё ва Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашда тизимли ёндашувнинг зарурияти. Коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро қонунлар ва қарорларнинг Ўзбекистонда ратификация қилишнинг аҳамияти, иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий-ҳуқуқий механизмлари. Коррупцияга қарши қонунлар ёндашувнинг зарурати. Коррупциянинг ҳуқуқбузарлик ва жиноят сифатидаги таҳлили. Коррупция намоён бўлишининг ижтимоий соҳалари, психологик жиҳатлари. Коррупционер ҳуқуқ аъводини умумий тавсифи. Коррупцияга қарши курашнинг тарихий анъаналари.

### **3-МОДУЛЬ. ДИНШУНОСЛИК**

#### **11-мавзу. Дин маданият феномени**

Дин, диншунослик, дин фалсафаси, теология, теософия, ҳудудийлик тушунчаларининг моҳияти. Диншуносликнинг категориялари. Қадимги ва миллий динларнинг таснифи. Қуръон ва Ҳадисларда виждон эркинлиги ҳақидаги дастлабки ғоялар. Дунё мамлакатлари ва Ўзбекистонда виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳақидаги қонун қабул қилинишининг ижтимоий маданий аҳамияти. Дунё ва Ўзбекистонда диний маърифатни такомиллаштиришнинг йўналишлари. Халқаро диний ташкилотлар ва диний уюмлар фаолиятининг таснифи. Ўзбекистондаги янги диний ташкилотлар. Диний толерантлик ва плюрализм. Секуляризация назарияси (давлат ва дин муносабатлари) ва постсекуляр концепциялар.

#### **12-мавзу. Буддавийлик ва христиан дини тарихи ва фалсафаси**

Буддавийлик динининг пайдо бўлиши тарихи, асосий таълимотлари, оқимлари ва манбалари. Ўрта асрларда Дзен буддавийлик таълимоти. Ҳозирги даврда буддавийликнинг ривожланиши. Ўзбекистонда буддавийлик динининг тарихий илдизлари ва ҳозирги замон. Христианликнинг пайдо бўлиши, асосий йўналишлари, таълимотлари ва манбалари. Ҳозирги даврда христиан динининг ривожланиши ва дунё давлатларидаги ўрни. Ўзбекистонда христиан динининг ривожланиши тарихи ва ҳозирги замон.

#### **13-мавзу. Ислом дини тарихи ва фалсафаси**

Ислом дини пайдо бўлишидаги ижтимоий шароит. Ислом асослари, оқимлари ва йўналишлари. Исломнинг диний ҳуқуқий мактаблари. Совет Иттифоқида ислом динига муносабат. Дунё ва Ўзбекистонда ислом динининг мавқеи. Қуръон, сура ва оят тушунчаларининг маъноси. Ҳадис тушунчасининг моҳияти. Ҳадисларнинг турлари ва таснифи. Буюк ҳадисшунослар ҳаёти ва ижоди. Ўзбекистонда ҳадисшунослик ривожини. Қалом фалсафаси ва фикҳ. Тасаввуф тушунчасининг мазмун-моҳияти, тарихи ва асосий ғояларининг таснифи. Тасаввуф тарикатлари. Тасаввуф ва ҳозирги замон.

#### **14 мавзу. Ислом қадриятлари**

Исломда инсон ҳуқуқлари ҳимояси, ижтимоий тенглик, адолат ва

толерантлик ғоялари. Исломда атроф мухитни муҳофаза қилишнинг устивор йўналишлари. Ислом динида ватанпарварлик ғояларининг талқини. Исломда никоҳ ва оилавий муносабатларида эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Исломда ота-оналарга муносабат ва фарзанд тарбиясидаги масъулият. Исломда ахлоқий кадриятлар. Исломда дўстлик, ўзаро ёрдам ва соғлом турмуш тарзининг тарғиботи. Исломда фан ва таълим, маданият ва санъатга муносабат. Ислом архитектураси (Ўзбекистон архитектура ёдгорликларининг киёсий таҳлили асосида). Ислом динининг жаҳон цивилизацияси ривождаги ўрни.

### **15-мавзу. Диний мутаассиблик ва диндорлик**

Диний мутаассиблик (фанатизм)нинг пайдо бўлиши, моҳияти, асослари ва манбалари. Кўрқув, саводсизлик ва ишончсизлик диний мутаассиблик ва экстремизмнинг асоси. Диний экстремизмнинг тарихий илдилари ва оқимлари. Камикадзенинг иккиёклама маъноси. Диндорликнинг пайдо бўлиши ва босқичлари. Диний фундаментализмнинг йўналишлари. Квазидинлар. Ўзбекистонда диний экстремизмнинг пайдо бўлиши ривожланиш давлари ва унга қарши кураш воситалари. Терроризм тушунчаси, шакллари, сабаблари ва унга қарши кураш механизмлари. Кибермақон, кибертерроризм, киберзўравонлик (cyberbullying), тушунчаларининг моҳияти. Ҳозирги даврда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда халқаро кучларни бирлаштиришнинг аҳамияти. Замонавий диний ҳаракатлар ва секталар фаолиятининг йўналишлари.

### **III. Семинар машғулоти буйича кўрсатма ва тавсиялар**

Семинар машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Фалсафанинг фан ва дунёқарашга доир моҳияти
2. Борлик фалсафаси (Онтология)
3. Ривожланиш фалсафаси
4. Билиш назарияси
5. Мантик
6. Жамият ва инсон фалсафаси
7. Ахлоқий кадриятлар фалсафаси (Этика)
8. Эстетика назарияси
9. Глобал жараёнлар ва барқарор тараққиёт
10. Глобал коррупция ижтимоий маданий инкироз оқибати
11. Дин маданият феномени
12. Буддавийлик ва христиан дини фалсафаси
13. Ислом дини тарихи ва фалсафаси
14. Ислом кадриятлари
15. Диний мутаассиблик ва диндорлик.

Семинар машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган

аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машгулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

#### **IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

##### **Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:**

1. “Фалсафа турмуш тарзи ва дунёни англаш усули” мавзусида иншо тайёрлаш.

2. Ғарб мутафаккирларининг борлиқ ҳақидаги таълимотлари (эссе тайёрлаш).

3. Абу Наср Форобий ва Ғаззолийнинг фалсафа-илмига оид қарашларини қиёсий таҳлил этиш (Форобийнинг “Сиёсат фалсафаси” ва Ғаззолийнинг “Кимёи саодат” асарлари асосида).

4. Европа мутафаккирлари Платон, Боэций, Р.Декарт, Д.Юмнинг фалсафага оид қарашларини қиёсий таҳлили.

5. Ноклассик онтологиянинг йўналишлари ва моҳияти бўйича эссе тайёрлаш (М.Хайдеггернинг Борлиқ ва вақт асари асосида).

6. Аристотел, Форобий ва Кант онтологиясида категориялар таснифини қиёсий таҳлил этиш ва фарқларини аниқлаш, эссе тайёрлаш, кроссворд тайёрлаш.

7. Табиатшуносликнинг фалсафий концепциялари мавзусида эссе тайёрлаш (Физика, химия, геология, минерология, астрономия, информатика соҳасида Ўзбекистондаги кашфиёт ва ихтиролар бўйича маълумот базасини тайёрлаш).

8. А.Фитратнинг “Оила асари”да оила қуриш тартиблари ва фарзанд тарбияси, “Раҳбари нажот” рисоласининг “Бахтсиз одамларнинг икки тоифасига” оид қарашлари бўйича эссе тайёрлаш, видеоролик танловини ўтказиш.

9. Авлонийнинг “Маданият тўлқунлари” мақоласи ва Э.Тоффлернинг “Учинчи тўлқин” асарини қиёсий таҳлил этиш.

10. Ахборотлашган жамият ва унинг истикболлари мавзусида эссе тайёрлаш (А.Тойнби, Э.Тоффлер, С.Хантингтон асарларининг қиёсий таҳлили асосида).

11. Глобал жараёнлар диалектикаси мавзусида тахлилий маъруза тайёрлаш ва унинг тақдимотини ўтказиш.

12. “Глобаллашув, глобалистика ва барқарор тараққиётнинг устувор йўналишлари мавзусида эссе тайёрлаш ва унинг тақдимотини ўтказиш.

13. “Дунёнинг илмий манзараси ва эволюцияси” мавзусида эссе тайёрлаш.

14. “Дунёни эстетик идрок этишда бадий асарларнинг аҳамияти” мавзусида эссе тайёрлаш.

15. “Диний фанатизмнинг асослари ва манбалари” мавзусида эссе тайёрлаш.

16. “Дунё халқлари маданиятидаги умумийлик ва фарқлар” мавзусида видеоролик тайёрлаш.

	<p>17. “Дунè халклари мифлари” хакида маъруза матни ва кроссворд тайёрлаш.</p> <p>18. “Жозеф Сентуриянинг коррупцияга оид карашлари таснифи” эссе тайёрлаш.</p> <p>19. Ж.Румийнинг “Куёшда хам доғ бор” легенда нимани назарда тутади (Ичиндаги ичиндадур асари асосида ахлоқ тарбиясига оид эссе тайёрлаш); Ж.Румийнинг “овчи ва лочин” ривоятининг моҳияти ва унинг тарбиявий ахамиятини тахлили этиш (Ичиндаги ичиндадир асари асосида).</p> <p>20. “Замонавий ахлоқий тарбиянинг ютуклари ва камчиликлари” мавзусида эссе тайёрлаш.</p> <p>21. “Ислom нурли маърифат дини” мавзусида эссе тайёрлаш.</p> <p>22. “Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш механизмлари” мавзусида эссе тайёрлаш.</p> <p>23. Ислomда инсон ҳуқуқлари ҳимояси, ижтимоий тенглик адолат ва толерантлик мавзусида кроссворд тайёрлаш.</p> <p>24. Коррупция тушунчаси ва унинг оқибатлари мавзусида викторина ўтказиш, видео роликлар танлови ташкил этиш.</p> <p>25. “Қуръон сура ва оятлари маъноси” мавзусида эссе тайёрлаш (сура ёзилади ва ёнида унинг ҳозирги даврда амалиётдаги ифодаси, масалан Қуръоннинг 96 -“Алақ” (ўқи – таълим олишга даъват) сурасининг моҳияти дунè ва Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мисолида очиб берилади, ёки 8 сура сабр-тоқат 46 оятининг ижтимоий ҳаётдаги моҳияти очиб берилади, сабр билан билим эгаллаш лозимлиги ва х.к.).</p> <p>26. М. Бехбудийнинг “Падаркуш ёхуд тарбиясиз боланинг такдири” драмасини сахналаштириш ва намойиш этиш.</p> <p>27. М.Бехбудийнинг “Ёшларга мурожаат” ва “Мухтарам ёшларга мурожаат” мақолаларини тахлил этиш ва эссе тайёрлаш.</p> <p>28. Тафаккур инерциясининг амал қилиш механизмлари мавзусида эссе тайёрлаш</p> <p>29. Тусий ва Ибн Синонинг мантиқий карашлари мавзусида эссе тайёрлаш.</p> <p>30. “Она юртим табиати” мавзусида видеороликлар танловини ташкил этиш.</p> <p>Мустақил ўзлаштирилдиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.</p>
3	<p><b>V Фан ўқитилишининг натижалари (шаклландиган компетенциялар)</b></p> <p>Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• дунè хақидаги энг қадимги ва замонавий фалсафий билимларни ўрганиш асосида профессионал фаолиятни тўғри ташкил этиш, ижтимоий масъулиятни ошириш, давлат сиёсатида дахлдорлик туйғусини шакллантириш; ижтимоий жараёнларни мустақил тахлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;</li> <li>• янги онтологиянинг йўналишлари, ген онтологияси, биоонтология, тиббиёт онтологиясининг ижтимоий ахамиятини, физик ва фалсафий онтологиянинг ўзаро алоқаси ва фарқларини билиш, ахборотлашган жамиятда</li> </ul>



	<p>технологиялардан фойдаланишда инсон ва жамият маънафатларини химоя қилиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• табиат онтологиясида биосфера ва ноосферанинг ўрни, ижтимоий экология, экологик таълим ва тарбия ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиши;</li> <li>• ижтимоий фаолиятида диннинг ижтимоий, коммуникатив ва компенсаторлик, фалсафасининг дунёқарашни шакллантирувчи ва методологик, фаннинг мафкуравий ва бунёдкор куч функциялари мутаносиблигини таъминлаши;</li> <li>• интернет ижтимоий тармоқларида ахборотни танлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаши; ўзининг касбий фаолиятида мустақил қарорлар қабул қилиши;</li> <li>• бакалавриятнинг мос йўналиши бўйича рақобатбардош умумқасбий тайёргарликка эга бўлиши;</li> <li>• кибертерроризм, киберўравонлик (cyberbullying)га қарши мафкуравий иммунитетни шаклланган бўлиши;</li> <li>• глобаллашув ва барқарор тараққиётнинг омилларини, коррупциянинг глобал маънавий инқироз оқибати эканлигини билиши, унга қарши курашда дахлдорлик туйғуси шаклланган бўлиши, ижтимоий жараёнларни прогнозлаштира олиш;</li> <li>• тана ва рухий соғлиқ, тафаккур хавфсизлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш малакаси ва кўникмаларига эга бўлиши керак.</li> </ul>
4.	<p><b>VI. Таълим технологиялари ва методлари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• маърузалар;</li> <li>• интерфаол кейс-стадилар;</li> <li>• семинарлар (мантикий фикрлаш, тезкор савол-жавоблар);</li> <li>• гуруҳларда ишлаш;</li> <li>• такдимотларни қилиш;</li> <li>• индивидуал лойихалар;</li> <li>• жамоа бўлиб ишлаш ва химоя қилиш учун лойихалар.</li> </ul>
5.	<p><b>VII. Кредитларни олиш учун талаблар:</b></p> <p>Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри ақс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралик назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш.</p>
6.	<p><b>Асосий адабиётлар</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Davronov Z., Shermuhamedova N, Qahharova M, Nurmatova M, Husanov B, Sultonova A. Falsafa. -Toshkent: TMU, 2019</li> <li>2. Shermuhamedova N. Falsafa. 2-nashr Toshkent: "Idris Abdurauf Nashr", 2020. 667-б</li> <li>3. Жалилов Б. Диншунослик. -Тошкент: 2019.</li> </ol>

4. Masharipova G. Dinshunoslik Toshkent: "Navro'z" 2020
5. Машарипова Г. Религиоведение. -Ташкент: 2020
6. Чумаков А.Н. Философия. учебник. 2-издание.-Москва: ИНФРА-М, 2018

#### **Кўшимча адабиётлар**

7. Jonathon A.C. Brown. hadith. -England, 2000
8. Гилязиев З.З. Углубленное изучение истории и культуры ислама. - Казань: Изд-во ДУМ РТ. 2009.
9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
10. Jaspers. The origin and goal of history. New Haven and London. Yale University Press. 1965. P – 77. (P – 19)
11. K. S.Guttenplan. J.Hornsby. C. Janavay. Reading philosophy. Blackwell Publishers Ltd. UK. 2003. P – 341.
12. А.Азми. Введение в Хадисоведение. Казань: 2011
13. А.Фитрат. Танланган асарлар –Тошкент: Маънавият, 2010 -301
14. Абу Хомид Ғаззолий Кимей саодат/Икки дуне саодатига элтувчи билим. - Самарканд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2019
15. Ильин И.В. Урусул А.Д. Образование, общество, природа.-Москва: изд-во МГУ, 2016
16. Кармин А.С., Новикова Е.С. Культурология. Киев, Харьков-Минск. 2003
17. Курбонова Л. Фалсафий антропология ва элитология уйғунлигининг ўзига хос хусусиятлари. Фалс.фан. доктори. Дисс. –Тошкент: ЎзМУ, 2019
18. Лосев А.Ф. Бытие-Имя-Космос. -Москва: Мысль, 1993
19. Отамуродов С. Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти.-Тошкент: Ўзбекистон, 2018
20. Рудугин А.А. Эстетика. Москва: Изд-во Центр, 2003
21. Румий Ж. Етти мажлис. -Тошкент: Янги аср авлоди., 2019
22. Румий Ж. Маснавий.40 ривоятга шарх. -Тошкент: Навруз, 2019
23. Сайид Мухаммад Хотамий. Ислом тафаккури тарихи. -Тошкент: Минхож, 2003
24. Саифназаров И.,Саифназарова Ф. Ёшлар ва оила-Ватан таянчи.-Тошкент: “Та’лим nashriyoti”МЧЖ, 2018. -132 б.
25. Темур тузуклари. Китобни нашрга тайёрловчи.Жумабой Рахимов.- Тошкент: Шодлик нашриети.2018
26. Ўзбекистон фалсафаси тарихи. Аликулов Х. масъул мухаррир, муаллифлар жамоаси. Тошкент: Ношир, 2013
27. Худойберганов Р. Ўлим ва барҳаётликнинг фалсафий методологик тахлили. Тошкент: Ўзбекистон, 2017
28. Шарипов М. Мантик. -Тошкент: 2003
29. Яссавий Хожа Ахмад Девони хикмат. -Тошкент: Наврўз, 2018
30. Шермухамедова Н.А. Борлик ва ривожланиш фалсафаси. -Тошкент: Ношир, 2018
31. Шермухамедова Н.А. Инсон фалсафаси. -Тошкент, Ношир, 2016

	<p>32. Шермухамедова Н.А. Диний фанатизм феномени.//Инсон фалсафаси. Тошкент: Ношир, 2016 314-499 бетлар.</p> <p>33. Шермухамедова Н.А. Фалсафа -Тошкент: Ношир, 2012. 1207 б.</p> <p><b>Ахборот манбалари</b></p> <p>34. <a href="http://www.ziyonet.uz">www.ziyonet.uz</a></p> <p>35. <a href="http://www.philosophy.ru">www.philosophy.ru</a>.</p>
7.	<b>Ўзбекистон Миллий университети томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.</b>
8.	<p><b>Фан/модуль учун маъсуллар:</b></p> <p><b>Шермухамедова Н.</b> – ЎзМУ, “Фалсафа ва маънавият асослари” кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор.</p> <p><b>Исломов З.</b> – Халқаро ислом академияси илмий ва инновация ишлари бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор.</p> <p><b>Яхшиликков Ж.</b> – СамДУ “Фалсафа” кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори (Турдош ОТМ).</p> <p><b>Пўлатова Д.</b> – Тошкент давлат шарқшунослик институти “Фалсафа” кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди, профессор (Турдош ОТМ).</p> <p><b>Муаллифлар жамоаси</b> – ЎзМУ, Ижтимоий фанлар факультети, Фалсафа таълим йўналиши профессор-ўқитувчилари.</p>
9.	<p><b>Такризчилар:</b></p> <p><b>Туленова К.</b> - Тошкент педагогика университети “Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори.</p> <p><b>Габитов Т.</b> – аль-Фаробий номидаги Қозоқ Миллий университети “Маданият-шунослик ва диншунослик” кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори (халқаро ҳамкор ташкилот).</p> <p><b>Мухаммаджонова Л.</b> – Ўзбекистон Миллий университети “Этика ва эстетика” кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди, профессор.</p> <p><b>Абилов Ў.</b> – Тошкент тиббиёт академияси профессори, фалсафа фанлари доктори.</p>

